Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 136 (5727).
15 ИЮНЬ 1985 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮНЬ (1983 йил) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ: БИЛИМ, ЭЪТИҚОД, ҲАРАКАТ

Омманинг онгини ошириш ҳар қачонгидай, бу гал ҳам ишларимизнинг негизи ва асосий мазмуни бўлиб қола беради.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми икки йил муқаддам бўлиб ўтган эди. Унда идеология ишини кучайтиришнинг муҳим масалалари муҳокама этилди. Пленум қарорларининг актуаллигини таъкидлаб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев шундай деган эди: «Пленум идеология ишини биринчи ўринга чиқариб қўйиб, идеологияни тафаккур, ҳаракат ва тарбия соҳасида эканига кенг социал назар билан қарашни таъкидлаб, идеология ишининг узоқ муддатли новаторлик концепциясини ишлаб чиқди, партиянинг ғоявий турмушида янги саҳифа очди».

Идеологик, тарбиявий ишларнинг нақадар муҳимлиги КПСС Марказий Комитетидаги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашда, ўртоқ М. С. Горбачевнинг докладида ҳам таъкидлаб ўтилди. Партиянинг мана шу йўли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва шундан кейинги пленумлари қарорларида ҳам ўз ифодасини топди.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорлари марксча-ленинча ўқув системасини такомиллаштиришга ҳам катта таъсир ўтказди. Иқтисодий таълим системасидаги якунловчи машғулотлар меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқувида назария билан практика ўртасидаги алоқаларга, конкрет мисоллар, маҳаллий материаллар асосида таълим беришга катта эътибор берилаётганлигини кўрсатди.

(КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорларига, иқтисодий таълим системасида ўқув йили тугалланишига бағишланган материаллар газетамизнинг бугунги сонида эълон қилинмоқда).

ПАРТИЯНИНГ ҒОЯВИЙ ИШИДАГИ ЯНГИ САҲИФА

Жамиятимизнинг қудратли моддий-техникавий ва интеллектуал потенциали вужудга келтирилган бугунги кунда идеологик ишга — меҳнаткашларнинг меҳнат, сиёсий ва социал активлиги асосида аниқ мақсадларга эришишнинг бу самарали воситасига партия алоҳида аҳамият бермоқда. «Ғоявий-сиёсий тарбиянинг ҳамма формалари ҳозирги кунимизнинг асосий вазифаси — мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш вазифаси билан мумкин қадар кўпроқ боғлиқ бўлмоғи лозим», деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида қилган докладида.

КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини амалга ошириш, партиянинг бўлажак XXVII съездига тайёргарлик кўриш бизнинг идеологик, оммавий-сиёсий ишни янада кучайтириш бўйича фаолиятимизни бундан буён ҳам такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Шаҳарда амалда барча коммунистларни қамраб олган сиёсий маорифнинг муайян системаси вужудга келтирилган. Шаҳар партия ташкилоти раҳбар кадрларни КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисида»ги қарори асосида ўқитишга алоҳида эътибор бермоқда.

Шаҳар партия ташкилоти идеологик актив ва пропагандист кадрларни ўқитишга катта эътибор бермоқда. 1980 йилдан бери шаҳар партия комитети қошида идеология ходимларининг шаҳар университети фаолият кўрсатяпти. Район партия комитетлари ҳамда партия комитетларининг бугунги кунда идеологик ишга — меҳнаткашларнинг меҳнат, сиёсий ва социал активлиги асосида аниқ мақсадларга эришишнинг бу самарали воситасига партия алоҳида аҳамият бермоқда. «Ғоявий-сиёсий тарбиянинг ҳамма формалари ҳозирги кунимизнинг асосий вазифаси — мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш вазифаси билан мумкин қадар кўпроқ боғлиқ бўлмоғи лозим», деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида қилган докладида.

КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини амалга ошириш, партиянинг бўлажак XXVII съездига тайёргарлик кўриш бизнинг идеологик, оммавий-сиёсий ишни янада кучайтириш бўйича фаолиятимизни бундан буён ҳам такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Шаҳарда амалда барча коммунистларни қамраб олган сиёсий маорифнинг муайян системаси вужудга келтирилган. Шаҳар партия ташкилоти раҳбар кадрларни КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисида»ги қарори асосида ўқитишга алоҳида эътибор бермоқда. Ягона сиёсий кунлар, сиёсий ахборотлар, савол ва жавоб кечаларини, оғзаки журналларни, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувларни, бошқа оммавий тадбирларни ўтказишга эътибор кучайди.

Кейинги йилларда оммавий-сиёсий ишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланган кўргазмали агитацияга ҳам кўпроқ эътибор берилаётган бўлиб қолди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Самарқанд область партия комитетининг фаолияти ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Область партия комитети бюросининг эътибори комсомол ташкилотларига раҳбарликни анча яхшилаш, КПССнинг партия раҳбарлари ёшлар билан доимий мулоқотда бўлиб туришлари тўғрисидаги талабини амалда рўёбга чиқариш зарурлигига қаратилди. Ёшларда марксча-ленинча дунёқарашни, синфий онгликни, юксак ғоявий эътиқодни, партия ишига, Ватанга садоқатни, буржуа идеологиясига мурosасизликни шакллантириш ёшлар билан ишлашда партия ташкилотларининг бош вазифаси бўлиши лозим.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Кам таъминланган пенсионерлар ва оилаларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш, ёлғиз кекса граждалар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш» юзасидан биринчи навбатдаги тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган амалий вазифалар муҳокама этилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорида партия комитетларига, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига, Госпланга, Социалтаъминот министрлигига ҳамда бошқа министрликлар ва идораларга, касаба союз ташкилотларига тегишли топшириқлар берилди.

Марказий Комитет Бюроси республика Енгил саноат министрлиги ип газлама тармоғининг ишини интенсивлашга оид кечиктириб бўлмайдиган баъзи тадбирларни белгилади. КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг йўл-йўриқларига мувофиқ партия комитетларига, область ижроия комитетларига, Енгил саноат министрлигига меҳнат унумдорлигини ўстириш, хом ашё ва қувватлар бирлигидан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш учун мавжуд резервлардан тўлиқроқ фойдаланишни таъминлаш топширилди. Оҳорлаш фабрикаларидаги қувватларни тўлиқ ўзлаштиришга, газламалар хилини яхшилашга, тармоқни мутахассислар ва ишчи кадрлар билан мустаҳкамлашга, корхоналарнинг филиалларини бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш керак. Партия, совет ва касаба союз органларига меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошириш, меҳнаткашларга савдо, медицина, транспорт хизмати кўрсатишда тегишли тартиб ўрнатиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитетининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга оид иши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Ушбу масалага доир қарорда аҳоли ва меҳнат ресурслари тез ўсиб бораётган шароитда улардан оқилона фойдаланиш проблемаси муҳим иқтисодий ва социал аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Одамларнинг кўпайишини, уларнинг состави, жойлашуви ва иш билан бандлигини мунтазам суратда чамалаб, анализ қилиш асосида Меҳнат давлат комитетига аҳолини жамоат ишлаб чиқаришига тобора жалб этиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиб, партия ва совет органларига тақдим қилиш таклиф этилди. Социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан партия ва ҳукумат қарорларининг амалга оширилиши устидан қаттиқ контроллик ўрнатиш, ишлаб чиқаришга юборилаётган кадрларнинг ва янги районларга кўчиб бораётган оилаларнинг муқим жойлашиб қолиши учун, мутахассислардан тўғри фойдаланилиши учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш керак. Госпланга Меҳнат давлат комитети, Фанлар академияси ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистонда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга доир тармоқ комплекс программаси қандай ишлаб чиқилаётганлигини, ўн иккинчи беш йилликда республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш плани лойиҳасини тайёрлаш чоғида унинг ҳулосалари ва асосларидан фойдаланиш мумкинлигини кўриб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ўзбекшахтострой» трестига қарашли 6-қурилиш бошқармасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ Д. А. Зазулин бошлиқ ғишт теручилар бригадасининг уй-жойлар қурилиши муддатларини қисқартириш борасидаги ташаббуси кўриб чиқилди ва маъқулланди. Бригада социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқда ва ҳозирги вақтда 1990 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай-мукофотли системаси кенг қўлланилаётганлиги юксак иш унумига эришиш имконини бермоқда. Барча турдаги ишларнинг 95 проценти шундай системага мувофиқ олиб борилмоқда. Коллектив сурункасига уч беш йилликдан буён тўла хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда, бу ерда ўртоқларча ўзаро ёрдам, ишонч, ўзаро талабчанлик руҳи қарор топган ва доимо шу руҳга амал қилинмоқда. Бригаданинг кўпгина аъзолари коллективда 10—15 йилдан буён ишлаб, 2—3 турдош касбни ўзлаштириб олган. Меҳнат унумдорлиги ошириш, техникадан ва иш вақтидан самарали фойдаланиш резервлари доимо изланаётганлиги шу беш йилликда уй-жой қурилиши муддатларини нормадагига нисбатан бир ярим баравар қисқартириш имконини берди. Партия комитетларига, Госстройга, министрликлар ва идораларга ўртоқ Д. А. Зазулин бригадасининг тажрибасини оммалаштириш чораларини кўриш, план ҳамда маҳбуриятларни муваффақиятли адо этишга қурувчиларни сафарбар этиш борасидаги ишларни кучайтириш таклиф этилди.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида республикада ҳўжалик ва социал-маданий қурилишга партиявий раҳбарликнинг, омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

тонгги газеталарда

ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР мудофаа министри генерал-полковник И. Олах бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикасининг ҳарбий делегацияси Ўзбекистон билан танишиб бўлди.

Делегация Ўзбекистонда бўлган вақтида Самарқандга сафар қилиб, у ерда Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтини, Академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиалини бориб кўрди, шаҳарнинг архитектура ёдгорликларини ҳамда янги қурилишларини кўздан кечирди.

14 июнь куни Венгрия делегацияси Самарқанддан Олмаотага жўнаб кетди.

ЭРТАГА—МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Шаҳримиз медиклари ўзларининг касб байрамини КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари ва КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан кутиб олмоқдалар. Улар аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга, соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш сифатини оширишга кучғайратларини сафарбар этмоқдалар.

Ҳозирги пайтда шаҳар соғлиқни сақлаш хизмати —бу мураккаб ва кўп планли соҳадир. Унинг қарамоғида 559 поликлиника ва амбулатория, 66 касалхона, 15 туғруқхона, 15 та подстанция ва бўлган тез медицина ёрдами станцияси, 11 та санитария-эпидемиология станцияси бор. Янги қурилишлар эвазига шаҳар касалхоналарида ўринлар фонди ошиб бормоқда. Ўринлар билан таъминлаш ҳар ўн минг аҳолига ҳисобланганда 92,5 тага етди. Бу беморларни шифохоналарга ётқизишни мунтазам кенгайтирди, шу жумладан профилактика ишларини кенг кўламда олиб бориш имкониини бермоқда.

Ҳозирги пайтда шаҳарда саккиз мингдан зиёд врач ва 18,6 мингдан ортиқ ўрта медицина ходими ишлаб турибди. Ҳозирда ҳар 10 мингга кишига 41,4 тадан врач тўғри келмоқда. Медиклар бажараётган ишларининг ҳажмини тасаввур этиш учун медицина муассасаларининг оддий бир иш кунини рақамларда айтиб ўтишнинг ўзи кифоядир. Бир кунининг ўзида 62 минг кишн врачлар қабулида бўлади, 1500 дан ортиқ марта тез ёрдам уйларга боради, 200 дан ортиқ операция қилинади, 115 кишн ҳаётга йўлланма олади.

Илғор коллективларнинг сафи ҳам ўсиб бормоқда. Абу Алн ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник касалхонаси, Октябрь районидаги 14-поликлиника, Куйбишев районидаги 13-болалар поликлиникаси коллективлари шулар жумласига киради.

Медицина, фармацевтика ва санитария ходимларининг кўпчилиги ўзларининг вазифасини сидқидилдан бажаришмоқда, улар касб маҳоратига ва ахлоқий фазилатларга эгадирлар. Шифокор 15-шаҳар касалхонасининг рентгенологи Ф. Р. Иноғомов, 2-неврология бўлимн мудири М. С. Ходнев, «03» хизматининг 5-подстанцияси врачи Е. А. Ковалева, 12-туғруқхона хотин-қизлар консультацня участкаси врач акушер-гинекологи И. Х. Умарова, 12-болалар поликлиникаси навбатчи ҳамшираси Э. М. Малохова, 3-туғруқхона хотин-қизлар консультацня бўлимн навбатчи акушерканси М. Хўжанова, «Газаппарат» заводи медицина пункти мудири С. Т. Рашченкова ва бошқалар ўзларининг вазифаларини виждонан ҳалол бажармоқдалар.

(Давомн 3-бетда).

● ТОШКЕНТ — ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ШАҲРИ

Шифокорлар байрами

Мамлакатимизда медицина ходимларининг анъанавий байрамини ўтказиш бутун халқнинг байрамига айланиб бормоқда. Бу ўзининг ҳаётини инсон саломатлигини сақлаш учун курашга бағишлаган меҳнат кишиларига бўлган ҳурмат белгисидир. Бугун анъаналарга кўра инсонпарварлик касби эгалари Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкаси ҳамкорликда ташкил этган бу байрамнинг программаси виставканинг экспозицияларини кўздан кечириш, тантанали йиғилиш, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концертлари, оммавий сайллардан иборат.

«КПСС XXVII съездини юксак ташаббус, уюшқоқлик, соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш сифатини яхшилаш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш билан кутиб оламиз!» шиори остида ўтаётган бу байрамнинг эгалари — шаҳар медицина ходимлари касб байрамини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Уларнинг ғайрат-шижоати билан минглаб тошкентликлар ўзининг саломатлигини мустаҳкамлаб, меҳнат сафига қайтмоқда. Турли ихтисосликдаги врачлар ва уларнинг садоқатли ёрдамчилари — медицина ҳамширалари профилактика ишларининг самарадорлигини ошира бориб, диспансерлаштириш методини такомиллаштириб, поликлиникаларда, шифохоналарда ва уйларга бориб даволаш ишларини яхшилаб, инсон саломатлиги тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.



ИЛМИЙ ИШЛАР МАРКАЗИ

Республика аллергологня марказида аллергня хасталигига учраган беморларга малакали хизмат кўрсатиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Республика аллергологня марказида кунига ўртача 100—120 беморга клиник хизмат кўрсатилмоқда. Марказ врачлари, шунингдек, республикадаги аллергологик даволаш-профилактика муассасаларига консультатив ёрдам кўрсатиш, терапиянинг янги усулларини топиш бўйича ҳам илмий ишларни амалга оширмоқдалар.

СУРАТДА: аллергня бўлимнинг мудири С. Fойибназарова ва врач-ординаторлар М. Мухсинов ва А. Бобоев маслаҳатлашмоқда.

Т. Каримов фотоси.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● Акмал Икромов районидаги В — 13 кварталида 90 оилага ўювчн бахш этадиган тўққиз қаватли уй-жой бинои фойдаланишга топширилди. Бинони 2-уйсозлик комбинатининг азаматлари бунёд этдилар.

● Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль бошқармасида жамоатчи ташкилотлар раҳбарларининг умумшаҳар конференцияси бўлиб ўтди. Унн шаҳар ички ишлар бошқармаси кўнгилли халқ дружиналари шаҳар штаби ва Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси ташкил қилдилар.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XIX чақириқ Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси 1985 йил 20 июнь соат 17.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида (Ш. Рашидов проспекти, 9-уй) очилади.

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 16.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

● Қиш тайёргарликни ёқтиради

ФУРСАТНИ БОЙ БЕРМАЙЛИК

Ҳар гал «Тошкент оқшомн»ига келган хатларнн ўқн унда ёритилган оқшомхонлар мактубларнн қизиқиш билан кўздан кечирамиз. Гоҳида бундай хатлар камроқ, кўпчилик ҳолларда эса улар беҳисоб бўлади. Демак, газета жуда муҳим масаланн кўтарган, тезроқ ҳал этилишини талаб этадиган долзарб масаланн кўтариб чиққан бўладн.

«Тошкент оқшомн»нинг шу йнл 31 май сонида босилиб чиққан «Ҳозирча уйларни қуёш иситади...» сарлавҳали мақола юзасидан кўплаб хатлар келдн. Уларда 1985—86 йиллар кузги-қишки мавсумга айрим турар жойлардан фойдаланиш участкаларн қонқарсиз тайёргарлик кўрганлигн ҳақида сўз борадн.

Редакция оқшомхонлар билан бнр қаторда шу масаланн ҳал этиш билан бевосита шуғулланадиган раҳбарлардан ҳам бнр қанча жавоблар олдн.

Масалан, шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиғи У. Ризаевнинг маълум қилишича, бошқарма Лоҳутий кўчасидаги 11-уйда иситиш ва иссиқ сув бериш қониқарсиз эканлигн тўғрисидаги масаланн кўриб чиққан. 1985 йилда иссиқлик таъминотини яхшилаш мақсадида радиатор мосламасн ўрнатилади.

Бу ерда уй-жой бошқармасн раҳбарларидан шундай деб сўрашга ҳақлимиз: Бу масалалар қачон конкрет ҳал этилади, қишдаммі Яна фурсатнн бой бернб қўймайсизмн!

Редакция Кнров район Совети ижроия комитетидан ҳам шу зайлда жавоб олдн. «Юнусобод В —4 массивидагн 54-уйда иситиш восталарнин ўзгартириш ишлари 1985 йилда амалга оширилади». Яна ўша жумбоқ — қачон!

Бу муҳим масаланн ҳал этишга даҳлдор ташкилотларнинг раҳбарлари бирнинчи галда Ўзбекистон Компартняси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш қарорларнга амал қилишларн зарур. Унда кузги-қишки мавсумга турар жой фондини етарлича савняда тайёрлаш ўқдирнб ўтилган эдн. Бнноларнн капитал ва жорий ремонт қилиш бўйнча белгиланган барча ҳажмдагн ишларнн ўз вақтнда бажарнш, иситиш ва сув таъминоти системаларнни созлаш зарурлнги таъкидлаб ўтилган эдн.

Бнроқ, оқшомхонларнинг хатларн ҳозирча бу иш сust бораётганлигидан далолат бернб турнбдн.

«Бизнинг квартирамиз қиш даврида деярли иситилмаганлиги оқибатида авария ҳолатига келиб қолган, — деб ёзадн Оқтепа массивидагн 36-уй, 12-квартирада истиқомат қилувчи А. Самарова, 6-турар жойлардан фойдаланиш участкаси белгилаган барча тадбирлар қоғозда қолиб кетдн...»

Агар баъзн ҳолларда режалар қоғоздагина тузилган бўлса, бошқа жойларда ана шу қоғоздагн режа ҳам йўқ. Луначарское шоссе, 7-уй, 13-квартирада истиқомат қилувчи газетхон Н. Цойнинг ёзишнча, «Куйбишевец» кооперативининг 2-турар жойлардан фойдаланиш ндорасига бнр неча бор иссиқлик ўтказиш қувурларнни ўзгартирнш тўғрисида мурожаат қилинганига қарамай. бнрон натижа чиқмаяптн.

Қишга тайёргарлик кўришда яна бнр ҳолни айтиб ўтмоқчимиз. Гап сохта жавоблар ҳақида боряптн. Олмпния кўчасидагн 3-уй, 13-квартирада истиқомат қилувчи газетхон Д. Игонин редакцияга йўллаган хатида шунн маълум қиладики, «Главташкентстрой» коммунал-турар жой хўжалигн бошқармаси бошлиғи В. Лебедевнинг нмзоси бнлан турар жойларнн кузги-қишки даврга тайёрлаш бўйнча қилинган ишлар ҳақида расмий жавоб олинганига қарамай, аслида асосий ишлар амалга оширилмаган. Бу ерда кўзбўямачилик қилнаётганн яққол кўрнннб турнбдн.

Чилонзор массивндагн 11-квартал 46-уйда истиқомат қилаётган бнр группа газетхонлар кейнннги бнр неча йнл давомида уйлар иситилмаётганнн ёзнб юборишган. Турлн идораларга мурожаат қилнишнгга қарамай аҳвол ўзгармаяптн.

А. Малишева (Чилонзор —11, 59-уй, 54-квартира), Н. Спектор (Лисунов —1, 56—1), С. Абдураҳмонова, Л. Костина (Чилонзор —6, 38-уй), Назнров, Ким (жамн етти нмзо) (Чилонзор —7, 18-уй), Гринберг, Тен (Космонавтлар проспекти, 13-уй), А. Тимошенко (Юнусобод —4, 45—63) ва бошқалар редакцияга ана шундай мактуб йўллашган.

Агар оқшомхонларнинг кўпчилик хатларида яқнилашиб келаётган кузги-қишки мавсумдан ташвишга тушаётганлик сезилиб турса, баъзида бизга айримлар ҳанузгача «қиш билан хайрлаша олишмаяптн». Мана, газетхон В. Глазнев нима ҳақда ёзнб юборибдн денг: «4-болалар шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида иситиш тармоғнни ўчнрнб қўйишга ёрдам берннгиз. Тўртинчи бўлнмда ҳозиргача радиаторлар қайноқ...»

Бундай хўжасизлик ҳолларнни кўрнб, бнр қатор қозонхоналар ва «Ташteплокоммунэнерго» раҳбарлари энергетика ресурсларнни тежаш масаласи тўғрнсида ҳанузгача жонкуярлик кўрсатмаяптилар, деб ўйлаб қоласан, кншн.

Редакция почтасида ҳатто шеър қабклнда ёзнб юборилган хатлар ҳам учрайдн. Масалан, Усмонов кўчасидагн 8-уй, 15-квартирада истиқомат қилувчи газетхон В. Шевченко ана шундай шеърий мактуб йўллаган.

Хуллас, редакцняга келаётган хатларнинг кетн узилмаяптн. Тошкентликлар қачон ншда ўзгарнш бўлишнн ва турли ташкилотлар турар жой фондини кузги-қишки мавсумга тайёрлашга қачон кнрншшларнни кутмоқдалар. Ҳозир ёзнинг ғаннмат кунларида фурсатнн қўлдан бой бермасдан, барвақт қишга ҳозирлнк кўрнш айниқса муҳимдир. Бу масалаларни ҳозир эътнборднн четда қолдирмаслик керак, токи ўтган қиш сабоқларн такрорланмасин!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮНЬ (1983 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАР

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ:

ПАРТИЯНИНГ ҒОЯВИЙ ИШИДАГИ ЯНГИ САҲИФА

(Давоми. Бошн 1-бетда).

«Узбексельмаш» заводида кўргазмали агитация ўзининг конкретлиги, долзарблиги, моҳирона жиҳозланиши билан ажралиб туради. Бу ерда унинг барча турлари — плакат, панно, шиор, транспарант. «Ҳурмат тахтаси», меҳнат шон-шуҳрати стендлари ва бошқалардан самарали фойдаланиляпти. Ташқи безагининг чиройи билан меҳнаткашлар эътиборини ўзига тортмоқда. Демак, муайян маънода унинг таъсир кучини ҳам оширмоқда.

2-автокомбинат коллективи кўргазмали агитациядан фойдаланишда бой тажриба тўплаган. Бироқ, шаҳарда ҳали шундай партия ташкилотлари ҳам борки, улар кўргазмали агитациянинг ролига етарли баҳо бермаётирлар ёки ундан тўла-тўкис фойдаланмаётирлар. «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, 4-уйсозлик комбинати, 6-қурилиш трести партия ташкилотлари ҳақида ана шундай дейиш мумкин. Уларда кўргазмали агитациянинг муайян қисми меҳнат коллективининг долзарб муаммоларидан узилиб қолган, умумий шиор, даъватлар билан чекланиб қолган, сафарбар этувчилик ва ташкилотчилик роли сезилмайди.

Партия ташкилотлари меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларни яхшилашга доимий эътибор бермоқдалар. Шаҳарда интернационал тарбиянинг муайян анъаналари таркиб топган. Чет эл делегациялари, умумиттифоқ ва халқаро конференциялар ҳамда симпозиумлар, фестивалар, адабиёт ва санъат кунлари қатнашчилари билан учрашувлар шулар жумласидандир. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг хотирасида Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини байрам қилиш тантаналари узоқ сақланиб қолади.

Ленинча миллий сиёсат, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги масалаларн партия ўқуви мактаблари ва назарий семинарларда ҳар тарафлама ўрганилмоқда. Улар барча оммавий-сиёсий тадбирларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. 332 та интернационал дўстлик клуби актив фаолият кўрсатмоқда. Улардан 312 таси олий, ўрта махсус ўқув юртлари ва умумтаълим мактабларида ташкил этилган. Шаҳарда Халқлар дўстлиги музейи ишлаб турибди.

Ёшларнинг мамлакатимиз муҳим халқ хўжалик объектларини қуришда актив иштирок этишлари уларни интернационализм руҳида тарбиялашнинг самарали формаларидан биридир. Ўн биринчи беш йиллик бошидан бери 11 минг нафардан зиёд тошкентлик Бутуниттифоқ ва республика зарбдор комсомол қурилишларида ишлаш учун йўл олишди. Тошкентликлар Ноқоратупроқ зонани ўзлаштириш ва БАМ қурилишида иштирок этмоқдалар. Ҳар йили 10 мингдан зиёд студент студент-қурилиш отрядлари составида мамлакат зарбдор қурилишларида ишлаяпти. 13 отряд қардош социалистик мамлакатларга ишлаш учун бормоқда.

Шаҳар партия комитети ҳамда район партия комитетлари томонидан халқ хўжалигининг етакчи тармоқларида миллий ишчи, инженер-техник кадрлар сонини кўпайтириш бўйича катта иш олиб борилмоқда. 1972 йилдан буён ҳунар-техника билим юртларида туб миллат вакилларидан ишчилар тайёрлаш 2,5 бараварга кўпайиб, 1984 йилда 1800 нафардан кўпроқ кишига етди.

Ўтмиш сарқитлари, диний маросимларга қарши кураш йилдан-йилга тобора актив, ҳужумкор руҳда олиб борилмоқда. Бу иш янгича совет маросимлари ва анъаналарини пропаганда қилиш ҳамда жорий этиш бўйича тадбирларнинг комплекс плани асосида олиб бориляпти. Аҳоли турмушига янги маросимларни жорий қилиш бўйича шаҳар Совети ташкил этилган.

Ишчилар сафига қабул қилиш, Совет Армиясига ҳарбий хизматга кузатиш, паспорт топшириш, тантанали никоҳлар, янги фарзанд билан боғлиқ ва бошқа анъаналар кенг жорий бўляпти. Ҳар йили шаҳарнинг барча районларида меҳнат ва маданият эстафетаси ўтказилади.

Совет турмуш тарзи, янги маросимлар шаҳар ва қўл нусхали газеталар, маҳаллий радио эшиттиришларда кенг пропаганда қилиняпти.

Шаҳар ёшлари ўртасида бу ишни олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Тошкентда Номаълум солдат қабри олдида 1-фахрий пост ташкил этилган. Бу ерда энг яхши пионер ва комсомол ташкилотларининг вакиллари постда туришади. Ана шу фахрли постда туриш учун шаҳар ёшлари ўртасида мусобақа ташкил этилган. Ҳар йили 140 минг нафардан зиёд ёш тошкентликлар совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати жойлари бўйича Бутуниттифоқ юриши тадбирларида иштирок этадилар.

Атеистик тарбия кучайтирилди. Барча район партия комитетларида бу масалага бағишланиб илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ўтказиляпти. Илмий-атеистик пропагандаиинг халқ университетлари, лекторийлар, оғзаки журналлар каби хилма-хил формаларидан кенгроқ фойдаланиладиган бўлди. 1-пойафзал фабрикаси, 143-техника билим юрти, Фрунзе районидаги Авлоний маҳалласи, агрегат ва заргарлик заводлари, 2-автокомбинат ва бошқа ташкилотлардаги атеистик лекторийлар актив фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳарда фан, маданият, ўқув муассасалари, соғлиқни сақлаш органлари ходимларининг, олим ва мутахассисларнинг лекциялар ва суҳбатлар ўтказиш учун меҳнат коллективларига коллектив чиқишлари каби оммавий-сиёсий формаси ривожланяпти. Масалан, Ленин районида ҳар ойда ана шундай 8—9 та коллектив чиқиш ташкил этилади. Уларда 60 нафаргача киши қатнашади.

Сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар катта иш олиб бормоқдалар. Бу В. И. Ленин номидаги электрон-техника, заргарлик заводлари, «Ташметрострой» трести партия ташкилотларида дуруст йўлга қўйилган.

Бироқ шаҳардаги қатор партия ташкилотларида агитация-оммавий актив билан аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб боришга етарлича баҳо бермаслик ҳоллари барҳам топмаган. Агитация ходимларининг сонини мунтазам кўпайтириб боришга интилиш улар орасида тасодифий, чуқур билимга эга бўлмаган, ташаббусиз кишиларнинг пайдо бўлиб қолишига олиб келади.

Кўпгина сиёсий ахборотчиларнинг фақат халқаро ва умумиттифоқий масалаларига оид мавзуларда суҳбатлар ўтказиб, шаҳарнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти масалаларини ёддан чиқариб қўяётганлари бу ишдаги жиддий камчилик ҳисобланади.

Партия сиёсати ва қарорларини тушунтиришда, қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибани пропаганда қилиш ва жорий этишда социалистик мусобақанинг кенг ошкоралигини таъминлашда кўп нусхали ва деворий газеталар катта роль ўйнайди. В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводининг «Ленинец», В. П. Чкалов номидаги авиация бирлашмасининг «Ударник», «Тошкент университети» ва бошқа бир қатор кўп нусхали газеталар партия комитетларининг жанговар ёрдамчиларига айланган. Афсуски, шаҳардаги бошқа кўпгина кўп нусхали газеталар тўғрисида бундай деб бўлмайди. Улар бошқа газеталарнинг материалларини кўчириб босишга берилиб кетадилар, баъзан мунтазам чиқмайди. Деворий газетанинг катта имкониятларидан ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Шаҳар партия ташкилотлари меҳнаткашлар ва ёшларнинг эстетик тарбиясига ҳам кўпроқ эътибор беришлари керак. Республика пойтахтида бу соҳада муайян иш қилинмоқда. Биз яхши моддий-техник базага, тажрибали кадрларга эгамиз. Кўпгина ижодий коллективлар мамлакатимизда ва чет элларда ҳақли равишда шуҳрат қозонган 112 минг нафардан кўпроқ тошкентлик бадиий ҳаваскорлик коллективлари ва тўгаракларида шуғулланишяпти.

Бироқ бу ишда ҳали фойдаланилмаётган кўпдан-кўп резервлар бор. Мисол учун театр ва музейлар, бошқа маданий-оқартув муассасаларини олиб кўрайлик. Ўзбекистонга келган меҳмонлар республика давлат санъат музейининг экспозицияларига қойил қолишади. Бироқ, музейларда бўлган томошабинлар составини ўрганиш, томошабинларнинг атиги 37 процентини тошкентликлар ташкил этишини кўрсатяпти.

Шаҳарда турар жойларда иш олиб бориш бўйича муайян тажриба тўпланган. Барча районларда координация советлари ташкил этилган. Улар бу ишга раҳбарлик қилмоқдалар, ҳар бир микроучасткага база корхоналари ва ташкилотлари биркитиб қўйилган. Улар томонидан агитмайдончалар, клублар, спорт майдончалари ташкил этиляпти. Бироқ, кейинги пайтларда бу иш биз ундан кутаётган ижобий самарани бермаяпти.

Шуни таъкидлаш керакки, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумидан кейин ўтган вақт ичида шаҳарда идеологик иш активлашди. Олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий иш социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга кўмаклашяпти. Шу билан бир қаторда муайян камчилик ва нуқсонлар ҳам бор. Уларни бартараф этиш устида иш олиб бориш керак. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил), апрель (1985 йил) Пленумлари қарорлари биз учун идеологик иш услуб ва методларини янада такомиллаштириш, оммани ғоявий тарбиялашни кучайтириш, уларни КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга сафарбар этишда ишончли дастуриламалдир.

Қ. РАФИҚОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

Бу Пленум идеология ишини биринчи ўринга чиқариб қўйиб, идеологияни тафаккур, ҳаракат ва тарбия соҳаси эканига кенг социал назар билан қарашни таъкидлаб, идеология ишининг узоқ муддатли новаторлик концепциясини ишлаб чиқди, партиянинг ғоявий турмушида янги саҳифа очди.

(Ўртоқ М. С. Горбачевнинг «КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорлари асосида ривожланган социализмни такомиллаштириш ва партиянинг идеология соҳасидаги иши» мавзуида ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясидаги докладидан).



Якунловчи машғулотлар сиёсий маориф системасида масъулиятли палла ҳисобланади. Чунки айнан шу машғулотларда пропагандист олиб борган иш натижаларн кўзга яққол ташланади. В. И. Ленин номли электрон-техника заводида (юқоридаги суратда) пропагандист, катта инженер Э. Салдина ўқув йилига якун ясаяпти. У ўқув натижаларидан мамнун. Чунки тингловчилар машғулотларда ўтилган мавзуларни яхши ўзлаштиришдн, олинган билимларни эса амалда муваффақиятли қўлламоқдалар.

Пастдаги суратда эса «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси қуюв цехининг қизил бурчагида пропагандист А. Атливанин якунловчи машғулот ўтказяпти. Бу ерда ҳам машғулотлар самарали бўлди, тингловчилар кундалик ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажаришга эришмоқдалар.



ЭКСПЕРИМЕНТ СИНОВЛАРИ

«Средазэлектроаппарат» бирлашмаси партия комитети партиянинг хўжалик механизмини янада такомиллаштириш, иқтисодий экспериментни ўтказишга раҳбарлик қилиш юзасидан талабларини пропаганда қилиш, тушунтириш бўйича ташкилотчилик ва идеология ишларини аниқ мақсадни кўзлаб, планли олиб бормоқда.

Партия, касаба союз, комсомол комитетларининг, коллективда фаолият кўрсатаётган барча жамоат ташкилотларининг иш планларини тузишда биз алоҳида ҳар бир жамоат ташкилотининг экспериментга қўшадиган ҳиссасини аниқ белгилашга ҳаракат қилдик.

Экспериментга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда коллективда тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб боришга алоҳида эътибор берилди. Биз барча ишлаб чиқариш бўлинмаларида очиқ партия, касаба союз, комсомол йиғилишлари ўтказдик. Уларда билдирилган танқидий таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирдик. Бу таклиф ва мулоҳазаларнинг кўпчилиги партия комитети, бошқа жамоат ташкилотларининг иш планига, коллектив шартномага, экспериментни ўтказиш бўйича ташкилий-техникавий ва ижтимоий тадбирлар планига киритилди. Улар партия комитетининг экспериментга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комиссияси томонидан умумлаштириб чиқилиб, бу таклиф ва мулоҳазаларнинг бажарилиши назорат остига олинди. Мазкур комиссия партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида махсус тузилган эди. Планга киритилган масалага бирлашма секретарлар советининг мажлисларидан бири бағишланди. Бу ҳақда цех партия ташкилотлари секретарлари ва партия группалари ташкилотчилари билан ўтказилган махсус семинарда, методик кенгаш ва пропагандистлар кенгашида ҳам гап борди.

Иқтисодий экспериментнинг асосий қоидалари, коллективнинг вазифалари партия, комсомол сиёсий ўқуви, иқтисодий таълим шахобчаларидаги машғулотларда тушунтириб берилди. Биз махсус ишлаб чиқилган программа асосида цех ва бўлимлар бошлиқларини, иқтисодчиларни, нормаловкачиларни ва бошқа ходимларни ўқитдик. Шундай бўлса ҳам менинг фикримча бу ишни партия ўқуви, иқтисодий таълим системасидаги машғулотларда янада батафсилроқ, чуқурроқ ўрганиш керак.

Пропагандистлар билан бевосита иш олиб боришни биз сиёсий маориф кабинетлари, методика кенгашлари орқали олиб бормоқдамиз. Улар учун мунтазам равишда материаллар тайёрлаш мақсадида партия кабинети ҳузурида ташкил этилган ахборот-справка маркази фаолият кўрсатяпти. Кўргазмали агитация воситалари, социалистик мусобақа ҳам иқтисодий эксперимент мақсадлари учун хизмат қилмоқда.

Партия комитети, жамоат ташкилотлари, бизнинг иқтисодий эксперимент шароитидаги иш натижаларимиз кўп нусхали газетамиз, деворий газеталар, корхона радио узели орқали коллективга тезлик билан маълум қилиниши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Жумладан, биз жума куни жамоат идеологик планёркасини ўтказамиз. Унда цех, бўлимлар, раҳбарлари, цех партия, комсомол ташкилотларининг секретарлари, цех касаба союз комитетларининг раислари иштирок этадилар. Бу минбардан биз кенг фойдаланяпмиз. Бирлашма раҳбарлари, партия комитетининг аъзолари иқтисодий экспериментнинг бориши тўғрисида мунтазам ахборот бериб борадилар. Бу масалалар партия ва касаба союз йиғилишларида муҳокама этилади. Иқтисодий экспериментнинг бориши тўғрисидаги масалалар матбуотда эълон қилинади.

Биз ҳали ишлаб чиқаришнинг фойдаланилмаётган резервларини мавжудлигини тушунамиз, албатта. Партия комитети, маъмурият, жамоат ташкилотлари бу резервларни ишга солиш, иқтисодий эксперимент шароитларида коллективда пайдо бўлган имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланиш чораларини кўрмоқдалар.

А. СТРАЖКОВ,
«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

ЖАНГОВАРЛИК КЎРИГИ

«Миконд» заводи коммунистлари ва партиясизларн учун марксча-ленинча таълим системасида инқилобга етган ўқув йили ўзига хос бўлди. У бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик кўригн ўтказилган бир шароитда ўтди. Унинг асосий мақсадларидан бирн коммунистларнинг етакчилик ролини ошириш, ишлаб чиқаришнинг янги резерваларини қидириб топиш, меҳнат коллективларида идеологик, оммавий-сиёсий ишларни янада такомиллаштирн ш д а н иборат бўлди.

Заводнинг барча пропагандистларн ва партия ўқувн системасининг тингловчиларн иштирок этган шахсий суҳбатлар бизга ташкилот ишига ва мактаб ҳамда семинарлардаги ўқувга янгича назар билан қараш имконинн берди.

Биз, завод пропагандистларига бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик кўригн нималар берди! Мен, яхшисн, ўз пропагандистик ишим тўғрисида сўзлаб бера қолай. «Илмий-техника тараққиёти ва экономика» курсини ўрганиш жараёнида тингловчилар машғулотларга ҳар ойда икки мартадан келишди. Менинг аудиториямдаги кишилар цехнинг асосий ишлаб чиқарш участкаларида меҳнат қилишади. Уларнинг кўпларн смена топшириқларини ошириб бажаришади, социалистик мусобақада актив иштирок этишади.

Цехда ва завод бўйича таркиб топган иқтисодий таълим системаси тўғрисида ҳар гал ўйлаганимда у чакки эмас деб қўяман. Бироқ, шахсий суҳбатлар чоғида шу нарса маълум бўлдики, биз ҳали янгича иқтисодий тафаккур юритишнн шакллантириш масалалари билан етарлича шуғулланмас эканмиз. Мана бир мисол келтираман.

Комиссия аъзолари бир бригадир билан суҳбат чоғида ундан бутун бригада бир йилга ўз зиммасига қандай мажбуриятлар олганини сўради. Бригадир аёл бнйрон жавоб берди. Унинг ишнинг кўзини билиш яққол сезилиб турарди. Кейин биз ундан бригаданинг иқтисод ҳисобкитоби қандай бўлишини, қайси резервлар ҳисобига тежалган хом ашё эвазига икки кун ишлаб бершмоқчи бўлганликларнни сурштирганимизда у жавоб бсролмади.

Нега шундай бўлди! Ахир у ўтган йили иқтисодий таълим системасида шуғулланган, реферат ёқлаган эди-ку. Ҳолбуки, жуда оддий бир саволга жавоб беролмади. Балки бригада мажбурнятнк пухта ўйламай, юзаки қабул қилгандир.

Бу эса биринчи галда биз, пропагандистларнинг хатосидир. Демак, биз худди шу масалада яхши иш олиб бормаяпмиз. Янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг бош моҳияти нимада эканлигини яхши биламиз-ку. Бу демак кишиларни ҳақиқий ишчанлик, халқ мулкини тежаб-тергаш, материал, меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Бу шуни кўрсатиб турибдики, партия ўқувн ва иқтисодий таълимни меҳнат коллективи ҳал этаётган вазифалар билан янада узвийроқ боғлашимиз лозим. Жанговарлик кўригн эса бизга буюнги учун, яъни умумлаштириш ва таҳлил этиш учун бой материал беради. Эндиликда биз янги ўқув йилига тайёрланиб, ана шу танқидий мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олишимиз, суҳбатлар чоғида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, янги ўқув йилига тайёргарлик кўришимиз керак.

Э. КОЦОЕВА,
«Миконд» заводининг катта мастери, коммунистик меҳнат мактабининг пропагандисти.

Пропагандист кадрларнинг ўқуви ва тарбияси

Сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг муваффақиятн кўп жиҳатдан пропагандист кадрларнинг назарнй ва методик савиясига боғлиқ эканлигн КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида уқдирнб ўтилган эдн. Пропагандистларнн танлаш, уларга таълим ва тарбня бернш, мутасил ғамхўрлик ва эътибор билан қараш барча партия комитетларининг бурчидир.

Биз ҳар йили Тошкент шаҳар партия комитети марксизм-ленинизм университетида идеология кадрларининг муайян группасини тайёрлаяпмиз. Ҳар йили университет ва унинг филиалларига 1300 дан 1500 гача тингловчи қабул қиляпмиз. Фақат пропагандистлар тайёрлаш факультетининг ўзидагина бир йилда 1500—1800 киши таълим олмоқда. Кейинги ўн йил ичида университетда 12 мингдан зиёд тингловчи тайёрланди. Бу йил университетни 1100 тингловчи битириб чиқади.

Партия ва иқтисодий ўқув системасининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб тингловчиларни фақат сиёсий маълумотларига қарабгина эмас, балки пропагандистик ишга лаёқатини ҳисобга олган ҳолда танламоқдалар.

Киров район партия комитети ва бошқа район партия комитетларида, кўпгина бошланғич партия ташкилотларида пропагандистик ишларнинг бажарилиши, пропагандистларнинг малакасини ошириб бориш, илғорни қайта тайёрлаш, семинар машғулотларида, илмий-назарий ва амалий методик конференцияларда қатнашишлари бўйича учёт картотекалари юритилмоқда.

Пропагандист кадрлар тайёрлашга ана шундай изчил ёндошиш сиёсий ўқувни янада такомиллаштириш, тингловчиларнинг марксча-ленинча назарияни изчил ўрганишларига ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташкенткабель», «Ташсельмаш», Узбектекстильмаш», тўқимачилик комбинати ва бошқа корхона партия ташкилотининг деярли барча пропагандистлари марксизм-ленинизм университетини тугаллаган.

КПСС XXVI съездининг ғоявий-тарбиявий ишга комплекс ёндошиш тўғрисидаги талабларини ҳисобга олиб, пропагандистлар тайёрлаш факультетида «Идеология ишларининг назария ва методлари», «Этика ва коммунистик тарбия» бўлимлари ташкил этилди.

Идеология кадрлари факультетининг барча тингловчилари бошланғич партия ташкилотларида асосий курс бўйича лекциялардан сўнг практика ўтказадилар. Улар шаҳарнинг энг яхши пропагандистларидан материалларни баён қилиш маҳоратини, суҳбатлар ва семинарлар ўтказиш санъатини ўрганадилар.

Кейинги йилларда университетнинг экономика бўлимига тингловчилар оқими кўпайди. Бу қонуний ҳол албатта. Чунки экономика билимлари ва социалистик ишлаб чиқаришни илмий бошқаришнинг асосларини билиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, халқ хўжалиги ишчилари, мутахассис ва раҳбарларининг меҳнат активлигини кучайтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Экономика бўлимининг тингловчилари асосан инженер-техник ходимлар, мастерлар, цех ва бўлимларнинг бошлиқлари, ишлаб чиқариш командирларидан иборат. Улар университетни битиришгандан сўнг пропагандистик ишга бел боғлашади.

Киров районидаги 70-мактаб директори М. Назарова, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи В. Данилов, шу бирлашманинг бўлим бошлиғи И. Муҳаммаджонов, электрон-техника заводининг цех бошлиғи Р. Эпштейн бизнинг университетимизни битириб чиқишгандан кейин пропагандистлик ишида бой тажриба орттирдилар.

Университетда ўқув ниҳоясига етгандан кейин, кўпчилик пропагандистлар «Пропагандист — беш йиллик»ка» ҳаракатига қўшилиб, шахсий ижодий план асосида ишламоқдалар.

Бироқ, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми талаблари нуқтаи назаридан ёндошсак, биз барча пропагандист кадрларни тайёрлашда зарур савияга кўтарила олмаганимиз ойдин бўлади.

Масалан, пропагандистлар тайёрлаш факультетида ҳамон хўжалик раҳбарлари кам. Ўқув жараёнида шаҳарнинг энг яхши пропагандистлари ҳузурида тингловчилар билан учрашувлар ўтказишни кенгроқ жорий этиш керак, активистларимиз агитация ва пропаганда маҳоратини, нотиқлик санъатини янада яхшироқ эгаллашлари лозим.

Пропагандист кадрлар тайёрлаш иши савиясини оширишга интилиб, биз университетни бундан бир неча йил муқаддам битириб чиққанларни қайта тайёрлаш системасини ишлаб чиқяпмиз. Улар учун доимий ишловчи курслар, консультация пунктлари, туркум лекциялар, назарий-амалий ва методик конференциялар уюштирамиз. Битирувчиларимиз ҳамиша зарур назарий ва методик ёрдамни олиб турадилар. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида таъкидланганидек, барча формалардаги ғоявий-сиёсий тарбия ишлари шу куннинг бош вазифаси — мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш билан узвий боғланиши керак. Бу талаб эса биринчи навбатда идеология кадрлари тайёрлашга даъват этилган шаҳар марксизм-ленинизм университетининг ўқитувчилар составига боғлиқ.

Л. ТИХОНОВА,
Тошкент шаҳар партия комитети марксизм-ленинизм университетининг директори.

Ёшлар тафаккури шаклланмоқда

Акмал Икромов районида бу йилги ўқув йилида студент ва ўқувчи-ёшларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Совет ўз ишини ижобий иш тажрибаларини умумлаштиришдан бошлади.

Масалан, республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида сиёсий иқтисод бўйича лекция ва амалий машғулотлар материаллари студентларнинг иқтисодий тафаккурини ва актив ҳаётий позициясини ривожлантириш мақсадида қайта кўриб чиқилди. Айниқса дарсдан ташқари вақтга алоҳида эътибор қаратилди. Институт ётоқхоналарида иқтисодий мавзуларда мунтазам баҳс ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Қурилиш отрядларида, қишлоқ хўжалик ишларида, коммунистик шанбаликларда қатнашиш студентларни иқтисодий жиҳатдан тайёрлашда яхшигина мактаб ролини ўтамоқда. Ҳар йили учинчи меҳнат семестри бошланиши олдидан студентлар социалистик мусобақани ташкил этиш, хўжалик ҳисоби принципларн, бригада пудрати, иқтисод режими масалалари бўйича назарий тайёргарликдан ўтмоқдалар.

106, 107, 194, 238, 129, 197-мактабларда ёшларда иқтисодий тафаккурни шакллантириш бўйича бой тажриба тўпланган. Бу мактабларда иқтисодий билимлар тўгаракларн, факультетлари, лекторийлари иш олиб боряпти. Район халқ маорифи бўлими ва мактабларнинг партия ташкилотлари ўзларининг ғоявий-тарбиявий иш планларига ўқувчиларни иқтисодий тарбиялашни махсус банд қилиб киритмоқдалар.

194-мактабнинг иқтисодий тафаккурни ривожлантириш бўйича иш тажрибалари диққатга сазовордир. Бу ерда ўқувчилар олдига сув, электр энергияси ва бошқаларни тежаш тўғрисида конкрет вазифалар қўйилмоқда.

Умумтаълим мактабини ислоҳ қилиш талабини бажара бориб, ўқувчиларга ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат билан боғлаб таълим-тарбия беришга эътибор қаратиляпти. Районнинг саккизта етакчи корхонасида юқори синф ўқувчиларининг меҳнат отрядлари тузилди. Масалан, 74-мактаб ўқувчилари марказий конструкторлик-техника бюроси билан шартнома тузиб, 4404 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Шу мактаб қизлари эса «Чевар» тикувчилик корхонаси буюртмаларини бажаришмоқда.

Район мактабларида ўқувчиларни иқтисодий тарбиялаш аҳволи ўрганилди. Совет ўқувчи-ёшларнинг касб танлаши бўйича ишларни янада яхшилаш, таълимни ижтимоий-фойдали меҳнат билан бирга қўшиб олиб бориш бўйича конкрет тавсиялар ишлаб чиқди.

Н. ҚОСИМОВ,
Акмал Икромов район партия комитетининг меҳнаткашлар иқтисодий таълими бўйича советн аъзоси.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
15 ИЮНЬ, 1985 й.

БИЛИМ, ЭЪТИҚОД, ҲАРАКАТ

ДИҚҚАТ, ТАЖРИБА!

Иқтисодий билимлар—оммага

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи 1984—85 йилларда ўқув йилида меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқув системасидаги эксперимент иштирокчиси бўлди.

Таълимда кўп нарса ўзгарди. Эксперимент ягона системани жорий этиш, ишчилар ва мутахассисларга бирлашма мисолида социалистик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий қонунларини ўрганиш имкониятини яратиб берди.

Коллективда 39 экспериментал мактаб очилиб, уларга 780 киши жалб этилди.

Қондага биноан мактаблар ишчиларнинг бригадалар бўйича умумий билим даражасини ҳисобга олиб комплектлаштирилди. Мактаб ишини олий махсус ва иқтисодий билимга эга бўлган пропагандистлар олиб боришди. Уларнинг кўпчилигини 5—10 йиллик пропагандистлик тажрибаси бор. Ҳаммаси бирлашма партия комитетининг биргаликдаги мажлисида ва иқтисодий таълим кенгашларида аттестациядан ўтишди.

Бирлашма коллективи педагогик маҳоратни ўрганишда Октябрь районидаги отарликдаги 20, 19-мактаблар билан шартномалар тузди.

Бригада усули жорий этилиши билан фабрикада қолоқлар қолмади. Бугунги кунда коллективда жами ишчиларнинг 78,8 процентни бригада усулига жалб этилган.

1-тикув-бичув цехи социалистик экономика мактабларида ҳам таълим яхши ўтди. Бу ерда участка мастерлари В. Абдуқодиров ва М. Муҳамедов пропагандист бўлишди. Айнан шу цех юксак сифат потоклари ташкил этиш бўйича ҳаракатнинг бошловчиси бўлди. Бу маҳсулоти ғоят харидоргир бўлган бутун бир конвейерлардир.

Биринчи тикув-бичув цехининг янги потокларида беш ой мобайнида коллектив 200 мингдан кўп ёки 2.660 минг сўмлик турли хил юксак сифатли трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилди. Юксак сифат потоғидаги маҳсулотлар салмоғи цехнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 28,8 процентни ташкил этади.

Пропагандист Т. Дриго раҳбарлигидаги социалистик экономика мактаби тингловчилари бўлмиш бадиий устахона ишчилари коллективи ишда яхши натижаларга эришдилар.

Ҳар йили бу коллектив 200 га яқин янги модель, 25 га яқин полотно яратади, қарийб барча моделлар «Н» (Янгилик) индекси билан реализация қилинади. Бу буюмларга харидорлар ўртасида талаб катта.

Кадрларнинг иқтисодий ўқуви мунтазам бирлашма партия комитетининг доимий назоратида турибди. Очиқ дарслар, методик кўрсатмалар, планлар, ўқув қўлланмалари — булар ҳаммаси экспериментни тўғри ташкил этиш натижасидир.

Иқтисодий таълимнинг янги системаси иқтисодий таълим бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Р. Ғуломов бошчилик қилмоқда. Ишчи органи сифатида иқтисодий таълим кенгаши мактабларини комплектлаш, пропагандистларни қайта тайёрлаш билан шуғулланади. Бирлашманинг ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмасининг иш якуни бўйича справка-таҳлилидан. Иқтисодий таълим кенгаши планига машғулотларнинг бориши, уларни ўтказиш даражаси киритилган.

Иқтисодий таълим системасида ўқув йили тугаяпти. Мактаб тингловчилари рефератлар тайёрлашади, баъзилари юмалоқ стол атрофида суҳбатда якун чиқариши шади. Лекин улар ҳам, бошқалар ҳам КПСС XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олишни ишдаги асосий йўналиш деб билади.

К. ШЕЛАЕВА,
«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасидаги меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқуви бўйича кенгаш раисининг ўринбосари.



Меҳнат шуҳрати эстафетаси

Коммунист Юрий Пчелинцев мана 35 йилдирки, Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводида фидокорона меҳнат қилиб келади. У меҳнат қилаётган ремонт-механика цехи коллективи моҳир ишчини ишлаб чиқаришнинг тажрибали устаси сифатида ҳурмат билан тилга олишади.

Корхона ветерани КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашмоқда. У меҳнат қилаётган бригада коллективи мунтазам смена топшириқларини 110—115 процент қилиб бажариб келаётир. Эришилган муваффақиятларда тажрибали ишчи Ю. Пчелинцевнинг қўшаётган ҳиссаси айниқса салмоқлидир. У бошқараётган ускуналар доимо бетўхтов ишлаб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ўзининг бой ҳаётий меҳнат тажрибасини Ю. Пчелинцев ёшларга сахийлик билан ўргатмоқда. Ҳақиқатан ҳам меҳнат ветераниндан ёшлар ўрганадиган сабоқлар кўп. Улар ўз устозларини ҳурмат қилиш билан бирга унинг ҳаётий бой тажрибасини қунт билан ўрганишиб, меҳнатга бўлган муҳаббатларни кун сайин ошиб бормоқда.

Меҳнат эстафетасини қўлга олаётган ёшлар ўз устозларидек фидокорона меҳнат қилишга, бугун — кечагидан, эртага — бугунгидан яхшироқ ишлашга аҳд қилишган.

СУРАТДА: илғор ишчи Ю. Пчелинцев ўз бригадаси ёшлари орасида.

В. Таматаев фотоси.

ТИНГЛОВЧИЛАР ТАШАББУСИ БЎЙИЧА

«Узбексельмаш» бирлашмасидаги меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими партия комитетининг доимий назорати остида турибди. Иқтисодий таълимни биз коллективни тарбиялашнинг энг муҳим воситаларидан бири деб биламиз. Иқтисодий экспериментнинг ўтказилиши якунланган ўқув йилида бирлашмада иқтисодий таълимни ривожлантиришда янги босқич бўлди.

Тажриба партия ва комсомол сиёсий маорифи ҳамда иқтисодий таълим шаҳобчаларидаги ўқувнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан пропагандистга боғлиқлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам партия маорифи шаҳобчаларини комплектлаш пайтида биз асосий эътиборни пропагандист кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга қаратдик. Мустаҳкам барча цех ва бўлимларнинг бошлиқлари, бош мутахассислар марксча-ленинча таълим системасидан бирида пропагандистлик қилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги марксизм-ленинизм университетини тугаллашган. Бош метал. лург И. Фая, бош механик ўринбосари Г. Хуснулгатин, бош технолог ўринбосари И. Басанько каби сиёсий ўқув ташкилотчилари эса пропагандистлик ишини олиб боришда катта тажриба тўп. лаганлар.

Бирлашмада пропагандистларга ёрдам тариқасида иккита методик кенгаш ташкил этилган. Сиёсий маориф кабинетига С. Ерохин раҳбарлик қилмоқда. Иқтисодий таълим бўйича методик кенгашнинг раиси вазифасини эса бош директор ўринбосари В. Шевченко бажаряпти.

Методика кенгашининг мажлислари мунтазам ўтказиб турилибди. Ойда икки марта пропагандистлар учун консультациялар ташкил қилинади. Сиёсий маориф кабинетида пропагандистларнинг доимий семинари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Ўқувни ўтказишнинг бориши ва унинг сифати йилига камида уч-тўрт марта партия комитетининг мажлисларида муҳокама этилади.

Пропагандистларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш, умумлаштириш ва уни кенг жорий этиш шу куннинг муҳим талабларидан биридир. Бу тингловчилар ғоявий савиясини ошириш, коммунистлар ва партиясизлар сиёсий ва иқтисодий таълими форма ва методларини такомиллаштиришнинг энг муҳим шартидир.

Якунланган ўқув йили давомида методика кенгашининг аъзолари пропагандистлар А. Олеников, А. Артемов, Э. Бойназаров ва бошқалар раҳбарлик қилган мактабларнинг иш тажрибасини ўрганиб, умумлаштирдилар. Уларнинг иш тажрибаси «Фрунзевец» кўп нусхали газета саҳифаларида ҳамда алоҳида буклетларда оммалаштирилди.

Марксча-ленинча таълим системасидаги ўқувнинг натижалари ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари ортаётганлигида, техника ижодиёти ривожланиб, техника тараққиёти жадаллашаётганида, ишчи ва хизматчиларнинг ташаббускорлиги кучаяётганлигида, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланаётганида, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати кенг қулоч ёяётганлигида ўзининг бевосита ифодасини топмоқда.

Бирлашмада илғор ташаббуслар кенг қулоч ёймоқда. Айниқса КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақа коллектив ўртасида авж олиб кетди. 550 нафардан кўпроқ машинасозларимиз съездга муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқдалар.

Ф. МУҲАММАДХОНОВА,
«Узбексельмаш» бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари.

ЙИЛ ЯКУНИГА БИР НАЗАР

Шу кунларда марксча-ленинча ўқув, меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими системасида ўтган ўқув йилига якун ясалмоқда. Пойтахт Ленин районининг кўпчилик партия ташкилотларида бу якунлар қувончли бўлди. Чунки ўқув йилининг бошларидаёқ машғулотларга жиддий тайёргарлик кўрилди, унга ижодий ёндошилди.

Ўтган йил кузида сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим шахобчаларини комплектлашда кишиларнинг у ёки бу масалаларга қизиқиши ҳисобга олинди. Бунда тингловчиларнинг истаклари ҳам эътиборга олинди.

Шуни айтиш керакки, район партия комитети марксча-ленинча ўқув ва иқтисодий таълимга муҳим эътибор бериб келди. Бу масалалар мунтазам пленум, актив, бюро йиғилишларида кўриб борилди. Масалан, район партия комитетининг бюросида марксча-ленинча ўқув ва иқтисодий таълимнинг коммунистлар ва партиясизларнинг ижтимоий-сиёсий активлигини оширишга таъсирини кучайтириш бўйича «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг иши кўриб чиқилди.

Илмий-амалий, информацион, назарий конференциялар, думалоқ стол атрофида суҳбат, очиқ дарслар ўтказдик. Конференцияларда район партия комитетининг секретарлари, масъул ходимлари, район Совети ижроия комитетининг масъул ходимлари, район бўлимларининг раҳбарлари, етакчи ўқитувчилар, олий ўқув юртларининг олимлари, район илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари мунтазам сўзга чиқмоқдалар.

Ўтган ўқув йилида пропагандист кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга катта эътибор қаратилди. Районда 2000 га яқин киши пропагандистлик қилади. Шундан салкам бир ярим минг нафари коммунистлардир. Кўплаб пропагандистлар ўз ишларида машғулотлар ўтказишнинг проблематик методларидан фойдаландилар. Тингловчилар эса амалий топшириқлар олишди, рефератлар ёқлашди.

Биз ўқув йилини якунлар эканмиз, ўз нуқсонларимизни ҳам кўрдик. Очиғини айтганда, юзакичиликка ҳамон суст барҳам беряпмиз. Баъзи пропагандистлар машғулотларга тайёрланмасдан келишди. Тингловчилар қалбига чуқур кириб боришолмади. Баъзи жойларда эса машғулотларни ўтказмаслик ёки бошқа кунга кўчириш ҳолларига рўй берди. Келгусида бундай нуқсонларга барҳам берилади, албатта.

А. МИРСАИДОВ,
Ленин район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

КИНО ХОДИМЛАРИ ЎҚИШЯПТИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг кинолаштириш бошқармаси қошида кейинги бир неча йил давомида Тошкент шаҳар ва район партия ташкилотларида бу ишларнинг ривожланиши ҳақида тингловчилар учун марксча-ленинча ўқув системасида машғулотлар муваффақиятли ўтмоқда. Ўқувнинг муҳим вазифаси шаҳар давлат кино тармоғи ходимларининг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш партия ва ҳукуматимиз ҳозирги босқичда идеология фронти ходимлари олдига қўйган муҳим вазифалар даражасига кўтаришдир.

Лекцияларнинг тематикаси ранг-баранг. Тингловчилар сиёсий билим асослари билан танишмоқдалар.

Тингловчилар ҳузурида тажрибали лекторлар, «Билим» жамиятининг аъзолари, олий ўқув юртларининг педагоглари, Ўзбекистон ижодий союзларининг вакиллари сўзга чиқмоқдалар.

Санъатшунослик кандидати Т. Злотникова, «Билим» жамияти шаҳар ташкилотининг халқаро масалалар секцияси раисининг ўринбосари А. В. Семёнов, олий партия мактабининг доценти В. С. Сударгинларнинг ўтказган машғулотлари тингловчиларда айниқса чуқур таассурот қолдирди.

Кинотеатрларнинг директори ва катта администраторларнинг докладларини муҳокама этиш анъана бўлиб қолди. Улар у ёки бу проблемани конкрет кинотеатр ёки кино қурилмаси мисолида ёритиб бермоқдалар.

Кинолаштириш бошқармаси марксча-ленинча ўқуви системасидаги машғулотлар учун суҳбатлар тематикаси белгиланаётганида уларнинг актуаллигига биринчи галда аҳамият берилади. Бу машғулотлар кинотеатр раҳбарларига кундалик ишларда ёрдам беряпти.

Масалан, янгича анъана ва урф-одатлар тўғрисидаги машғулот зўр қизиқиш билан тингланди. Бу мавзудаги машғулот КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамоҳанг суратда ўтказилди.

Кинотеатрларнинг раҳбарлари докладларни тинглашгандан сўнг бу қарор асосида кинотеатрда ишлаб чиқилган тадбирлар тўғрисида гапириб беришди, ичкиликбозликка қарши курашни янада яхшилаш тўғрисида тўлқинланиб фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Марксча-ленинча таълим системасида келгусидаги машғулотларда биз социалистик маданиятни янада ривожлантириш, унинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш, республикамиз тараққиётига доир мавзуларда суҳбатлар ўтказишни режалаштиряпмиз. Улар Тошкент давлат кино тармоқлари раҳбар эвеносининг сиёсий ва иқтисодий билимларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Т. ХИДИРОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи.

ЯНГИ ФОРМАЛАРНИ ИЗЛАБ

Фрунзе район партия комитетининг марксча-ленинча таълим бўйича методик совети иши бўйича муҳим идеологик масалалар юзасидан мунтазам тушунтириш ишлари ўтказдик. Машғулотларни самарали ўтказиш бўйича бошланғич партия ташкилотларига тавсиялар бериш муҳим ўрин тутиб келди.

Методика совети плакатлар, агитация-пропаганда варақалари тайёрлаяпти. Уларда пропагандистларни н г ўзлари иш тажрибала-

рини, машғулотлар ўтказиш методларини идеология активи билан ўртоқлашмоқдалар. Лекторлик маҳорати сирларини ўргатмоқда-

дарслар пропагандистларнинг бир-бирларидан маҳорат сирларини ўрганишларига ёрдам бермоқда. Бундай дарсларга фабрикаларнинг пропагандистлари, методика советининг аъзолари таклиф этилмоқда.

Комбинатда ягона сиёсий кунларни ўтказиш катта тарбиявий аҳамият касб этмоқда.

«Таштекстильмаш» заводи пропагандистлари олиб бораётган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Машғулотларни н г муваффақияти, уларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги идеология ходимининг активлигига боғлиқ, албатта. Шуни айтиш керакки, «Таштекстильмаш» заводида О. Прохоров, В. Лексин, Ю. Тихонов, Э. Ханмов, В. Маркин ва бошқа пропагандистлар жуда ташаббускор, изланувчан бўлиб, тингловчилар қалбига чуқур кириб борадилар.

Заводда ўқув йилида тингловчилар ёш коммунистлар мактабларида, марксизм-ленинизм асослари мактабларида, илмий коммунизм мактабларида, назарий ва методик семинарларда, марксизм-ленинизм университетида таълим олдилар. Марксча-ленинча таълим системасида кадрларнинг ўқуви кишиларни зарур билимлар билан қуроллантирди. Бу эса уларнинг янада активроқ ишлашига, беш йиллик зарбдорлари сафида бўлишига ёрдам бермоқда.

А. ИЎЛДОШЕВ,
Фрунзе район партия комитети методика советининг раиси, тарих фанлари доктори, профессор.

ТАЪЛИМ КЕНГАШИ ИШЛАМОҚДА

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналарида 1400 пропагандист ишлаб турибди. Уларнинг фаолияти министрлик қошидаги иқтисодий таълим кенгашининг фаолиятини янада жонлантиришга қаратилган. Кенгашнинг асосий вазифаси ўқувга методик ва ташкилий раҳбарлик қилишдан иборат. Шунингдек, соҳа корхоналарида ҳам иқтисодий таълим бўйича кенгашлар тузилган. Уларнинг ишига асосан корхоналарнинг раҳбарлари бошчилик қилишмоқда, натижада уларнинг таълим натижаларига масъулияти ошмоқда. Партия комитетлари ўқишни ташкил этиш ва унинг сифатини назорат қилишни амалга оширмоқда.

Кенгаш иқтисодий таълим системасида бригада пудрати формасини тадбиқ этиш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш, план, технология ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, хом ашё, бошқа моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларнинг ижодий активлигини оширишга алоҳида аҳамият бермоқда.

С. ТАХТАРОВА,
Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлиги марказий-конструктор н к технология бюроси иқтисодий проблемалар тадқиқоти бўлими сектори мудири.

ЭРТАГА—МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ





ОҚ ХАЛАТЛИ КИШИЛАР

Тошкентликлар саломатлигини сақлашда кўп минг кишилик врачларнинг отряди ва уларнинг энг яқин ёрдамчилари ҳисобланган медицина ҳамширалари армияси тунукун фидокорона меҳнат қилишмоқда. Касалликларнинг олдини олишда поликлиникалар, касалхоналар, медицина санитария қисмлари ҳамда корхоналардаги цех участка шифокорлари катта ишларни олиб боришяпти. Кейинги йилларда шаҳарликлар саломатлигини муҳофаза қилишда «Тез ёрдам» медицина хизмати ходимлари ҳам бир қатор ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Ҳозирги кунда 160 та автомашина, 28 ихтисослаштирилган бригадага эга бўлган 13 та «Тез ёрдам» подстанцияси шаҳарликлар хизматига тайёр. «Тез ёрдам» станцияларидаги тажрибали кардиологлар, неврологлар, реаниматорлар, болалар врачлари ва бошқа мутахассисдаги шифокорлар шаҳарликларнинг чақирғига биноан уларга ёрдам кўрсатишга доимо шай. «Тез ёрдам» шифокорлари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақада 4-, 6-подстанция шифокорлари энг илғор ҳисобланишади.

СУРАТЛАРДА: «Тез ёрдам» машиналари шошилинч чақирувга отланди; диспетчерлик пунктида доимо иш гавжум; 5-кўп профилли болалар касалхонасида ёш беморларни медицина фанлари докторн, профессор, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти неврология кафедрасининг мудири Ш. Шомансуров қабул қилмоқда.

Т. Каримов фотолари.



ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Соғлиқни сақлаш органлари аҳолига диспансер хизматн кўрсатишни амалда яхшилаш бўйича катта ишларни олиб бормоқдалар. 1985 йилнинг ўзида аҳолининг 30 процентга яқини даврий комплекс профилактик кўрик билан қамраб олинди. Мамлакатимиз медицина фанининг ютуқларн амалда кенг тадбиқ этилмоқда.

Шаҳар даволаш муассасаларн иш тартибини такомиллаштирш меҳнаткашларнинг иш пайтида медицина ёрдамн кўрсатиш юзасидан бўлган мурожаатнни қарийб икки марта қисқартирши имконини берди.

Медицина-санитар н я қисмларн ва территориал поликлиникаларда цех участкалар тармоқларининг ўсиши эвазига саноат корхоналарн ишчиларига медицина хизматн кўрсатишни ташкил этиш анча яхшиланди.

Аҳолига тез медицина хизматн кўрсатиш савияси оширилди. Ҳозирги пайтда шаҳарда 160 автомашинаси ва 28 ихтисослаштирилган бригадаси бўлган 15 подстанция кечаю-кундуз ишламоқда.

Бундай ютуқлар билан бирга, шаҳар аҳолисига медицина хизматн кўрсатишни ташкил этиш, даволаш муассасаларн ишини ташкил этиш, чақириқ бўйича кечикиб бораётган тез ёрдам ишини янада жонлантириш, дори-дармонларга бўлган талабни қондириш борасида ҳали камчиликлар борлигини яхши биламиз. Айрим шахслар ўз ишига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш, беморларга эътиборсизлик қилиш ҳолларн учраб турибди. Бундай фактлар ўз вақтида принципиал танқидий баҳосини олмоқда, уларни тағ-томири билан тугатиш юзасидан актив ишлар олиб бориляпти.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш муҳофазасига муҳим социал вазифа сифатида қаралмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари асосида соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг фаолиятини кучайтириш, Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган, ўсиб келаётган авлодни баркамол ривожланишини таъминлайдиган, аҳолини ишга қодирлигини ва умрибоқийлигини оширадиган, касалликлар даражасини камайтиришга қаратилган тадбирларни олиб бориш борасида барча чораларни кўрмоқда.

Биз ана шу мақсадда профилактик кўриклар ҳажмини кенгайтиряпмиз.

Шаҳар барча аҳолисини ҳар бир йили диспансеризация қилиш бўйича ишларни кенг кўламда амалга оширамиз.

Ҳозирги замон шароитида социалистик турмуш тарзимиз талабларига тўла жавоб бериш учун биз ўз ишимизни ҳар тарафлама кенг такомиллаштиришимиз лозим. Партиямиз биз шифокорларнинг олдига қўйган вазифаларни тўла-тўкис бажаришимиз учун ҳар бир кишининг ўз вақтида малакали ва сифатли медицина ёрдами олиши учун бутун куч-ғайратимизни сарфлайверамиз.

Қ. ТУЛАҒАНОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғликни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент БЕТ ОҚШОМИ

15 ИЮНЬ, 1985 й.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 17. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.05 «Регистон узра тароналар». Самарқандда бўлиб ўтган музикашуносларнинг II Халқаро симпозиуми ҳақида телефильм.
10.35 Р. Москова. «Тойчоқ, сен қаерга борасан?» Хмельницкий область қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.20 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
12.05 «Афсункор давра». Фильм-концерт.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «БАМликлар». Телефильм премьераси.
16.05 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Р. Бобринёва испан қўшиқларини ижро этади.
16.25 Ф. Тютчев. «О, менинг сўнгги муҳаббатим...» Фильм-концерт.
17.10 «Онамларнинг мактаби».
17.40 «Горнчилар, қаердасиз!»
18.10 «Исландия бўйлаб». Киношарҳ.
18.30 «Агар соғлом бўлай десанг». «Юракнинг жисмоний тарбияси». 1-кўрсатув.
18.45 «Ишлар ва одамлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Финал.
20.10 «Миниатюралар». Мультфильм премьераси.
20.20 М. Гараева. «Бека». Фильм-спектакль.
21.30 «Время».
22.05 «Бека». Фильм-спектаклнинг давоми.
23.05 Футбол шарҳи.
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Оҳ, водевиль, водевиль...» Телевизион бадиий фильм.
10.20 «Фестиваль олдидан». Ҳужжатли фильм.
10.40 Йожев Грегор куйлайди (ВХР).
11.10 «Фан ва турмуш».
11.40 «Кадриорг». Телефильм премьераси.
12.05 «Ткзар» фольклор ансамблининг концерти.
12.30 «Асли уруш йилларидан». Телефильм премьераси.
13.00 Болалар учун фильм. «Дубравка».
14.15 Ҳиндистон артистларининг чиқиши.
15.00 Рус тили.
15.30 Баянчилар ва аккордеончилар II Бутуниттифоқ конкурси қатнашчиларининг концерти.
16.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Карелия қўшиқлари ва рақслари.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Худди кичкинтойлардек». Телевизион бадиий фильм (ЧССР).
22.55 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб».
23.25 «Дебют». Э. С. Тююрнинг 1-симфонияси.

● ЎзТВ I

17.45 Янгиликлар.
18.00 «Қувноқ пионер ёзи».
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Халқ жасорати саҳифалари» (рус.).
19.15 «Юракни қандай асраш керак». Врач маслаҳати.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Фан уфқлари». «Фантехника тараққиётини жадаллаштириш — ҳаёт талаби».
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР Давлат телерадиоси хизмат кўрсатган хор коллективининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 1-серия — «Ихтиёр ўзимда эмас».
23.25 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Асос». Телефильм.
18.40 «Абитуриент-85». Химия.
19.10 «Қизиқувчилар экрани».
19.40 «Куйловчи жилолар». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Лайлакча». Телевизион бадиий фильм.
21.00 Енгил атлетика. Ю. А. Гагарин соврини учун ўсмирлар ва қизлар ўртасида ЎзССР биринчилиги. Репортаж (ёзиб олинган).
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 18. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 М. Гараева. «Бека». Фильм-спектакль.
11.50 Мультфильмлар: «Жилоли эртак», «Халифа-лайлак».
12.20 «Ўсмирлар ижоди».
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар: «Қишлоққа — такомиллашган техника», «Асосий мўлжал», «Янги соғилган сут таъми».
16.00 «Кострома — Хювинкяя — биродарлашган шаҳарлар».
16.50 Болалар учун фильм. «Тошкент — нон шаҳри» («Ўзбекфильм»).
18.30 Тарих саҳифалари. «Кураш иттифоқи».
19.10 «Музейдаги ҳодисалар». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 И. Гусельников чалади
19.50 «Буюк бурилиш». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Балет ҳақида». П. Чайковскийнинг балет театри.
23.15 «Петро — Петербой». Телефильм.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Худди кичкинтойлардек». Телевизион бадиий фильм (ЧССР).
10.05 «Ленинская кузница»лик кемасозлар». Телефильм.
10.35 «Саломатлик жойида, зарядкага ташаккур».
10.55 «Будильник».
11.25 Қадимий куйлардан концерт.
11.55 М. Сервантеснинг «Дон Кихот»и театрда, кинода ва тасвирий санъатда.
12.30 «Анискин ва Фантомас». Телевизион бадиий фильм. I-серия.
13.35 «Шахмат мактаби».
14.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
14.35 «Бу фантастик олам».
15.55 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Музикали киоск».
19.15 «Эркаклар, эркаклар...» Смоленск область Починков район «Заря» колхоздаги ичкилик ичмайдиганлар жамияти ҳақида.
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.15 Халқ куйлари.
21.30 «Время».
22.05 «Бир ёз тарихи». Уч серияли телевизион бадиий фильм. I-серия.
23.15 Л. Курдюмова куйлайди.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Тимур ва унинг командаси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
11.35 «Алёнушка ва солдат». Қўғирчоқ фильм.
11.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Эзгу меҳнат чораги» (рус.).
12.30 Янгиликлар.

* * *

17.40 Янгиликлар.
17.55 «Абитуриент-85». Беруний номли Тошкент политехника институти.
18.25 «Иқтисодий эксперимент нимага ўргатади» (рус.).
19.05 «Хушёрлик — ҳаёт нормаси».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бир асар тарихи». Зулфия. «Уни Фарҳод дер эдилар».
20.20 «Бу ажойиб Қрим». Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Санъат усталари». СССР халқ артисти С. Қобулова ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Э. Йўлдошев куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
22.25 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 2-серия— «Яшаш шарт».
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.00 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Абитуриент-85». Иншо қандай ёзилади.
18.40 «Участковой». Телефильм.
18.50 «Шаҳримиз озодалиги ва гўзаллиги учун».
19.20 «Классик куй саҳифалари».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Тренерлар». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.45 Телевизион театр. Ойбек. «Қизлар».
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 19. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Саёҳатчилар клуби».
10.35 «Буюк бурилиш». Бадиий фильм.
12.15 «Делегатская кўчасидаги музей, «Новгород диёри бўёқлари».
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар: «Аниклик тўсиғи олдида», «Қўлингни бер, ўртоқ компьютер», «Клей нимага қодир...»
16.10 Тюмень бадиий коллективларининг концерти.
16.35 Рус адабиётида ватанпарварлик манбалари.
17.35 А. Глазунов. 4-симфония.
18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.00 Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». С. Островой поэзияси.
19.55 «Сирли қутича». Мультфильм.
20.05 «Агар соғлом бўлай десанг». «Юракнинг жисмоний тарбияси». 2-кўрсатув.
20.20 И. С. Тургенев. «Ва менинг образим сенга намоён...» Фильм-концерт. СССР халқ артистлари Е. Образцова ва А. Попов иштирок этади.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Нефтчи» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. Бокудан олиб кўрсатилади. «Днепр» — «Зенит». 2-тайм. Днепропетровскдан олиб кўрсатилади.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бир ёз хроникаси». Уч сериали телевизион бадиий фильм. 1-серия.
10.25 «Горнчилар, қаердасиз!»
10.55 «Мактаб ўқувчиларига — анатомия ва гигиена ҳақида». Қон жумбоқлари.
11.25 Мультфильмлар: «Мис тоғ бекаси», «Малахит қутичаси».
12.10 Рига район Маданият уйи «Ритенитис» халқ рақс анамблининг концерти.
12.30 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.00 «Анискин ва Фантомас». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
14.35 БОШҚИРДИСТОН ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.20 М. В. Ломоносов номидаги МДУ фортепьяно класси халқ коллективи қатнашчилари ижро этади.
19.35 «Ғалабага бир йил қолганда». Телефильм премьераси.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Кўрсичқон-расом». Мультфильм.
20.50 «Вахта». Ала-Тоонинг Кунгей тизма тоғларидаги «Восточная» станциясининг ходимлари ҳақида.
21.05 «Африка оҳанглари».
21.30 «Время».
22.00 «Бир ёз хроникаси». Уч сериали телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 РСФСР халқ артисти А. Тихонов чалади (балалайка).

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
10.40 Болалар учун концерт (такрорий).
11.10 «Тимур ва унинг командаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
12.15 «Тайга паррандалари». Телефильм.
12.30 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Чириллдоқ». Мультфильм.
18.25 «Инсон болаликдан бошланади».
18.55 «Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?» «Поезддаги бир неча интервью» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Опера театри солистлари». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти А. Азимов олиб боради. ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Т. Хусанов ва Г. Зокирова иштирок этади.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Карим. «Ой тутилган тунда». А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг спектакли.
21.30 Москва. «Время».
22.00 М. Карим. «Ой тутилган тунда». А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг спектакли (давоми).
23.30 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00—16.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Абитуриент-85». Биология.
18.40 «Оперетта шинавандалари учун».
19.20 «Фан-техника тараққиёти — халқ хўжалигига».
19.50 «Оқ йўл». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Совет киноси усталари». СССР халқ артисти Г. Юматов.
21.15 «Синегорье — Ватаним менинг». Телефильм.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 20. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қувноқ стартлар».
10.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.40 СССР Мудофаа министрлиги биринчи алоҳида намунали оркестрининг концерти.
12.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Мактаб, завод, оила». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 В. Моцарт. Скрипка ва оркестр ижроси учун 5-концерт.
16.35 «Рус тили».
17.05 Болалар учун фильм. «Каштанка».
18.10 УССР халқ артисти О. Басистюк куйлайди.
18.35 «Истеъдод». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор В. П. Сериковнинг ёш қурувчилар билан учрашуви.
19.05 «Хўтикчанинг орзуси». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.15 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Уруш эсга тушганда...» Москва — Сан-Диего телекўприги (Калифорния, АҚШ).
23.30 «Сенинг образинг». Фильм-концерт премьераси (Кишинёв).
23.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бир ёз хроникаси». Уч сериали телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.25 «Онамларнинг мактаби».
10.55 Мультфильмлар: «Машенька ва айиқ», «Нўхатчалар», «Бувимнинг туғилган куни».
11.30 «Бил ва уддала».
12.00 В. Панова асарлари асосида кўрсатув.
12.55 Н. А. Римский-Корсаков.
14.05 Испан тили.
14.35 «Мен — актриса». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ».
19.20 «Карадаг». Шарқий Қрим ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳайкал». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.00 «Социалистик мамлакатлар дўстлик кубоги». Спидвей бўйича халқаро мусобақалар.
21.30 «Время».
22.05 «Бир ёз хроникаси». Уч сериали телевизион бадиий фильм. 3-серия.
23.15 «Хореографик миниатюралар». Фильм-концерт.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун фильм. «Дастлабки қадамлардан бошлаб».
10.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
11.40 Телевизион театр. М. Зощенко. «Қилмиш — қидирмиш».
12.30 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Абитуриент-85». Тошкент Давлат алоқа электротехника институти (рус.).
18.40 «Иккинчи она тилимизни ўрганамиз».
19.10 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Олам дарди адиб қалбида».
20.30 Ахборот».
20.50 «Юртим васфи». Композитор Турсун Азимов асарларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона сиёсий кун». «Жаҳон ёшлиги — тинчлик учун курашда» (рус.).
22.35 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 3-серия — «Шикоятга ўрин йўқ».
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Сенинг афсонавий шон-шуҳратинг». Телефильм.
18.50 «Абитуриент-85». Математика.
19.20 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Ёшлар форуми» (рус.).
19.50 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Арманистон эстрадаси артистларининг концерти.
21.20 «Уч-тўрт». Телефильм.
21.30 МТ II

ЖУМА, 21. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Невараларга ҳам топширайлик». Ҳужжатли фильм премьераси.
10.00 «Моҳир қўллар».
10.30 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.
11.45 Мультфильмлар: «Айиқча ва томда яшайдиган кимса», «Саругасима ороли маймуни», «Бодрингчанинг саргузашти».
12.15 М. Мусоргский. «Кўргазмадаги манзаралар».
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар: «Бўлажак заводлар», «Рекорд қўямиз», «Илғор тажриба — ҳар бир ишчига».
16.10 «Жонажон ўлка тароналари».
16.45 «Москва, фестиваль».
17.30 «Александр Твардовский». Телефильм.
18.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.00 «Нега филлар?» Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.20 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «М. И. Глинка. Романслар». Фильм-концерт премьераси.
23.15 «Ереван қалдирғочи». «Қалдирғоч» халқаро туристик лагери ҳақида телефильм.
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бир ёз хроникаси». Уч сериали телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.25 «Мунозара клуби».
11.05 «Чашмалар».
11.50 «Совет тасвирий санъати». С. Коненков.
12.40 Болалар учун фильм. «Скрипканинг қайтиши».
13.55 Инглиз тили. Биринчи йил шуғулланаётганлар учун.
14.25 «Космонавтлар ерда туғиладилар». Телефильм.
15.25 Композитор Е. Мартинов билан учрашув.
16.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Саёҳатчилар клуби».
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 «Ишчига ўроқ нимага керак». Илмий-оммабоп фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Карагод» фольклор ансамблининг чиқиши.
21.00 «Бемаврид». Алкоголизмнинг зарари ҳақида телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Чопқир отнинг ўғирланиши». Бадиий фильм.
23.35 «Псел дарёсидаги шаҳар». Телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Тбилиси манзаралари». Телефильм.
10.40 «Вулқон билан биргамиз». Бадиий фильм.
11.45 «Приморье чиннисининг жилоси», «Бир қарич ер». Телефильмлар.
12.30 «Пионерлар мамлакатида».
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Салом, фестиваль!»
19.00 Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига. «Мусобақа — омма ижоди».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Дунё воқеалари».
20.15 «Фан-техника тараққиёти-85».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мақом кечаси». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Алимаҳсумов олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.25 «Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 4-серия — «Сўнгги марра».
23.30 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.20 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Болалар учун. «Уйлаб топ» (рус.).
18.45 «Абитуриент-85». Физика.
19.15 Рўзи Қодирий. «Қалбим сизники». Адабий кўрсатув.
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 Телевизион театр. М. Байжиев. «Юзма-юз».
21.30 МТ II

ШАНБА, 22. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.
10.50 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
11.20 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми О. Верейский.
11.50 «Позиция». Телефильм премьераси. «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан.
12.30 «Дўстларимиз чеҳраси».
13.15 «Ёнингдами, ўртоқ...»
14.15 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.45 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Кхмер классик ва халқ рақслари» (Кампучия).
15.15 «Дунё воқеалари».
15.30 Болалар учун фильм. «Петров ва Васечкиннинг оддий, ғаройиб таътиллари». 1-серия — «Безори», 2-серия — «Рицарь».
17.45 Марказий телевидениенинг сиёсий шарҳловчиси Л. А. Вознесенский суҳбати.
18.15 «Ҳайвонот оламида».
19.15 Ю. А. Жуков суҳбати.
19.45 СССР халқ артисти М. Мордасова куйлайди.
20.30 «Бу Ғалаба кунида». Телефильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «1985 йил қўшиқлари».
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Торпедо» (Москва). 2-тайм. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
23.45 Баянчилар А. Мишченко ва И. Снедков дуэти чалади.
00.10 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Рейхстаггача неча чақирим?» Ҳужжатли фильм премьераси.
10.00 «Сиз яратган боғ».
10.30 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
11.00 УКРАИНА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.30 «Олам кинокамера кўзгусида».
13.30 Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
14.00 «Инсон — замин соҳиби». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко олиб боради.
15.00 «Театр ва замон».
16.10 «Стадион ҳамма учун».
16.40 «Ғалаба қўшиғи».
18.30 «Санъат усталари». РСФСР халқ артисти Ю. Соломин.
19.45 «Здоровье».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро обзор».
21.00 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Бокудан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Менинг меҳрибон дадам». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ғалаба паради». Ҳужжатли фильм.
11.15 «Шахмат мактаби».
11.45 «Ҳужжатли кино экрани». «Россия — фахрим менинг».
12.30 «Золушка». Бадиий фильм.
13.50 Й. Охунбобоев туғилган куннинг 100 йиллигига. «Ўз халқининг фарзанди».
14.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Зарница-85» (рус.).

* * *

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Оҳ, сингилгинам». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Мева-сабзавот конвейери суръати» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бепоён Россия бўйлаб». Кинопрограмма.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона, аҳил оилада». РСФСР. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00—18.30 МТ II
18.30 Кўрсатувлар программаси.
18.35 «Москвада фестиваль, ҳамма жойда фестиваль».
19.00 «Новости».
19.20 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
19.35 Ёшлар учун кўрсатув.
20.00 «Ахбор».
20.50 Концерт.
21.30 МТ II

ЯКШАНБА, 23. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Фан ва техника». Киножурнал.
9.50 «Спортлото»нинг 25-тиражи.
10.00 «Будильник».
10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.30 «Здоровье».
12.15 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
12.45 «Ералаш» болалар ҳажвий киножурнали.
13.00 «Қишлоқ янгиликлари».
14.00 «Музикали киоск».
14.30 «Ўғиллар». Телевизион ҳужжатли фильм.
15.20 «Қувноқ айиқчалар». С. В. Образцов раҳбарлигидаги Давлат Марказий қўғирчоқ театрининг фильм-спектакли.
16.20 «Ветеранлар, Сизлар учун». Музикали кўрсатув.
17.15 «Иван Макарович». Бадиий фильм.
18.40 «Театр, кино ва телевидениеда музика» кўрсатуви саҳифаларида.
19.20 «Халқаро панорама».
20.05 «Қувноқ карусель». Мультфильм премьераси.
20.15 «Агар соғлом бўлай десанг». «Юракнинг жисмоний тарбияси». 3-кўрсатув.
20.30 «Саёҳатчилар клуби».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР кубоги. Финал. «Динамо» (Киев) — «Шахтёр».
23.35 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Қувноқ нотачалар».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.30 Автокросс бўйича Европа чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
12.00 «Қадимий Колхида шаҳри». Телефильм.
12.30 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Бокудан олиб кўрсатилади.
13.00 О. Бальзак. «Горио ота». А. С. Пушкин номидаги Ленинград драма театри фильм-спектаклининг премьераси.
15.15 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Кхмер классик ва халқ рақслари» (Кампучия).
15.45 «Пўлат қандай тобланди». Олти сериали телевизион бадиий фильм. 2-серия.
16.50 Бутуниттифоқ теннис турнири. «Спартак» теннис стадионидан олиб кўрсатилади.
17.20 «Шамолдан кучли». Илмий-оммабоп фильм.
17.35 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари». Г. Свиридов.
18.05 «Ҳужжатли экран».
19.05 «Москвичка». Телеклуб.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 Бадиий ҳаваскорлик ижодиёти кўригининг якунловчи концерти.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Спорт программаси: 1. 1 лига хотин-қизлар командалари ўртасида баскетбол бўйича СССР чемпионати. СКИФ (Тошкент) — «Сталь» (Днепропетровск). 2. «Ўзбекистон спорти».
11.30 «Сизнинг севимли қаҳрамонларингиз». Болалар учун кинокўрсатув.
12.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
13.30 «Пойтахтимиз меҳмонлари». А. П. Чехов номли Сахалин область драма театри.
14.25 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Кумуш ўтлоқ». Болалар учун фильм-концерт.
18.30 Болалар учун. «Бойчечак».
19.00 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». П. Бровка.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 Ахборот».
20.55 Дам олиш концерти. ЎзССР халқ артистлари Қ. Дўстмуҳамедова, М. Шамаева, ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар Г. Фозилжонова, У. Муҳамедова, солистлар О. Орифжонов, Б. Холхўжаев ва «Шодлик» ансамбли иштирок этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Улуғбек юлдузи». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00—15.45 МТ II
16.00 Кўрсатувлар программаси.
16.05 Экран — болаларга.
16.35 Фрунзе хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти.
18.10 «Нолинчи туркум». Ҳужжатли фильм.
18.40 Сут-товар фермаларининг ходимлари учун концерт.
19.20 Москва. «Халқаро панорама».
20.05 «Саломатлик манбалари».
20.50 Телевизион театр.
21.30 МТ II

КИНО

15 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЛВАСА»— **Санъат саройи** (катта зал, 17, 19.45, телефон 44-21-34), **Чайка** (18, 21.00; телефон 77-06-20). **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02), **Ватан** (16, 18.30, 21.00), **Москва** (14, 18.30, телефон 33-05-01).

«МУДҲИШ САЁҲАТ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ТУТСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«СОФДИЛ», «ҚОПҚОН»— **Лисунов номли** (17, 20.00, телефон 96-34-02).

«XX АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ»—**Нукус** (тоқ соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ»— **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61, сўнгги сеанс 21.30 да).

«ОВСАР ИНСПЕКТОР» — **Ватан** (тоқ соатларда).

«СОДИҚ ҚУЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25) **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«СОДИҚ ҚУЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ», «ЧИНГАЧГУК —УЛКАН ИЛОН» — **Хива** (22.00).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **Искра** (18.30, 20.45; телефон 39-14-59), **Хива** (22.00).

«АФРИКАЛИК» —**Қозоғистон** (17, 18, 20,00, 21.00; телефон 35-24-92).

«ТЎРТОВЛОН КАРДИНАЛГА ҚАРШИ»— **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-06), **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **С. Раҳимов номли** 16, 18, 19.30, 21.00; телефон 48-46-71).

16 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЛВАСА» — **Санъат саройи** (катта зал, 11.45, 14, 17, 19.45; телефон 44-21-34). **Чайка** (18, 21.00; телефон 77-06-20), **Фестиваль** (22.00, телефон 32.78-02), **Ватан** (13.30, 16, 18.30, 21.00) **Москва** (14, 18.30, 21.00; телефон 33.05.01).

«МУДҲИШ САЁҲАТ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ТУТСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«СОФДИЛ», «ҚОПҚОН»— **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«XX АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ»—**Нукус** (тоқ соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ»— **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61, сўнгги сеанс 21.30 да).

«ОВСАР ИНСПЕКТОР» — **Ватан** (тоқ соатларда).

«СОДИҚ ҚУЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51) **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25) **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«СОДИҚ ҚУЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ», «ЧИНГАЧГУК —УЛКАН ИЛОН» — **Хива** (22.00).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ»— **Искра** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 39-14-59), **Хива** (22.00).

«АФРИКАЛИК» — **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18.30, 21.00; телефон 35-24-96).

«ТЎРТОВЛОН КАРДИНАЛГА ҚАРШИ»— **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-06), **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66). **С. Раҳимов номли** 16, 18, 19.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«Ташплодоовощ» бирлашмаси Киров район улгуржи-чакана савдо конторасининг 424251 — 424275; 424176—424200; 424201 — 424225; 424226 — 424250; 424251 — 424275; 424276 — 424300; 424301 —424325 номерлардаги йўқолган

ДАВЛАТ КВИТАНЦИЯЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

НОДИР КИТОБЛАР ОЙЛИГИ

ҲУРМАТЛИ КИТОБСЕВАРЛАР!
17 ИЮНЬ СОАТ 11.00 ДА

1-«ПРОПАГАНДИСТ» МАГАЗИНИ— (КЛУБИДА)
(Марказ 1-квартали, Пушкин кўчаси, 6-корпус)

УНУТИЛГАН КИТОБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗАДИ

УЧРАШУВЛАР ПРОГРАММАСИДА:

— ўтган йилларда нашр этилган китоблар тўғрисида ҳикоялар;
— сотиладиган китоблар кўргазмаси;
— алмашув фонди китобларининг катта туркуми;
— ноёб китоблар ассортиментининг мавжуд картотекаси;
— олдиндан буюртмалар қабул қилиш,
— китоблар кўргазмаси;
— ноёб китоблар мутахассислари консультацияси.

Кириш бемалол.
«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ БЎЛИМИ.

СССР Гидрометеорология давлат комитети
ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ
ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: техникум директори номига ариза, иш жойидан справка (ишловчилар учун), ўқиш жойидан справка (ўқувчилар учун), 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ 35-ХОНАДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Техникум адреси: 700019, Тошкент шаҳри, З. Қобулов кўчаси, 45-уй (10, 23, 27-трамвайлар; 44, 48, 97-автобуслар-нинг; 2, 7, 10-троллейбусларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати). Телефон 48-07-21.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

бош бухгалтер.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти коллективи институт кичик илмий ходими Г. Маҳсумовага отаси

Мўминжон ЮСУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.



Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р— 05884. **Индекс 64690.** **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**